

# ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

## ФИЛЬТРУМ®

### FILTRUM

**Препаратнинг савдо номи:** Филтрум®

**Дори шакли:** таблеткалар

**Таркиби:**

1 таблетка қуйидагиларни сақлайди:

**фаол модда:** гидролизланган лигнин (100% моддага ҳисоблаганда) – 400 мг;

**ёрдамчи моддалар:** повидон К 17 (поливинилпирролидон), кальций стеарати, натрий кроскармеллоза.

**Таъриф:** туқ-жигарранг рангли, кулранг-жигарранг доғлари бўлган, икки томонлама қаварик, капсуласимон шаклли, рискалли таблеткалар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** заҳарланишларда ва интоксикацияларда қўлланадиган восита.

**АТХ коди:** А07ВС

**Фармакологик хусусиятлари**

Филтрум® – ёғоч компонентларининг гидролизи маҳсулотларидан ташкил топган табиий энтеросорбент-лигнин полимери, фенолпропан ва гидроцеллюлоза ҳосилалари унинг структура элементларидир.

Юқори сўриб олувчи фаолликка ва нонспецифик дезинтоксикацион таъсирга эга.

Патоген бактериялар ва бактериал токсинлар, дори препаратлари, заҳарлар, оғир металл тузлари, алкоголь, аллергиялар, шунингдек ошиқча айрим модда алмашинуви маҳсулотларини, шу жумладан билирубин, холестерин, мочевино, эндоген токсикоз ривожланишига маъсул бўлган метаболитларни боғлаб олади ва организмдан чиқаради.

Заҳарли эмас, сўрилмайди, ичакдан 24 соат давомида тўлиқ чиқарилади.

**Қўлланилиши**

Дезинтоксикацион восита сифатида катталар ва болалардаги келиб чиқиши турлича бўлган қуйидаги экзоген ва эндоген интоксикацияларда қўлланади:

- дори препаратлари, алкалоидлар, оғир металл тузлари, алкоголь ва бошқа заҳарлар билан ўткир заҳарланиш;

- озиқ-овқат токсикоинфекциялари, сальмонеллёз, дизентерия, диспепсияларни мажмувий даволаш;

- аяқол интоксикация билан бирга кечувчи йирингли-яллиғланиш касалликлари;

- гипербилирубинемия ва гиперазотемия (жигар ва буйрак етишмовчилиги);

- озиқ-овқат ва дори аллергияси;

- зарарли ишлаб чиқариш ходимларидаги сурункали интоксикацияни олдини олиш.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Ичга, олдиндан майдалангандан кейин, оқватланишдан ва бошқа дори препаратларини қабул қилишдан бир соат олдин сув билан ичиш мақсадга мувофиқдир.

Препаратнинг дозаси ёшга, тана вазнига ва касалликнинг оғирлигига боғлиқ, препарат кунига 3-4 марта қабул қилинади, ўртача бир марталик дозаси 1 ёшгача бўлган болалар учун – ½ таблетка; 1-3 ёшгача ½-1 таблетка; 4-7 ёшгача 1 таблетка, 7-12 ёшгача – 1-2 таблетка; катталар учун 2-3 таблетка.

Зарурати бўлганда, шифокор тавсиясига кўра суткалик дозани 20-30 г гача, 3-4 қабулда, ошириш мумкин. Ўткир ҳолатларда даволашнинг давомиyliги 3-5 кун, аллергия касалликларда ва сурункали интоксикацияларда 14-21 кунгача.

Даволашнинг қайта курслари шифокор тавсиясига кўра 2 ҳафтадан кейин.

**Ножўя таъсирлари**

Кам ҳолларда – аллергия реакциялар, қабзият.

Узоқ вақт қўллаш витаминларнинг, кальцийнинг сўрилишини бузилишига олиб келиши мумкин, шу сабабли поливитаминлар ва кальций препаратларини профилактик қабул қилиш тавсия этилади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препаратни шахсий ўнлаштираолмаслик. Препаратни меъда ва 12-бармоқ ичак яра касаллигининг зўрайишида, ичак атонияларида ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас.

**Дориларнинг ўзаро таъсири**

Бир вақтда ичга қабул қилинадиган айрим дори воситаларининг даволовчи самараси пасайиши мумкин.

**Махсус кўрсатмалар**

Препарат алоҳида қабул қилиш қоидаcига риоя қилинганда, бошқа дори воситалари билан мажмуавий даволашда қўлланиши мумкин.

Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

**Чиқарилиш шакли**

10 ёки 15 таблеткадан поливинилхлорид плёнка ва 3 турдаги босма лакланган алюмин фольгали контур уяли ўрамда.

10 таблеткадан 1, 2 ёки 5 контур уяли ўрам ёки 15 таблеткадан 2 ёки 4 контур уяли ўрам қўллаш бўйича йўриқномаси билан картон қўтига жойланади.

**Сақлаш шароити**

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 30 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда.

**Яроқлилик муддати**

2 йил.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Қайд этиш гувоҳномасининг эгаси**

“АВВА РУС” АЖ, Россия, 121614, Москва ш., Крылатские Холмы кўч., 30 уй, 9 корп.

Тел: (495) 956-75-54.

[www.avva-rus.ru](http://www.avva-rus.ru)

**Ишлаб чиқарувчи/эътирозларни қабул қилувчи ташкилот**

“АВВА РУС” АЖ, Россия, 610044, Киров ш., Луганская кўч., 53а уй.

Тел: (8332) 25-12-29, (495) 956-75-54

[www.avva-rus.ru](http://www.avva-rus.ru)

Истеъмолчиларнинг эътирозларини ишлаб чиқарувчининг манзилгига юборилсин

